




ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1995 йил 4 февраль, шанба

№ 10 (10.686)

Эркин нархда сотилади.

ДАВОС АНЖУМАНИ ТУГАДИ

Давос жаҳон иқтисодий анжумани давлат бошлиқларини, савдо-саноат доираларининг раҳбарларини, илм-фаннинг етакчи мутахассисларини бирлаштиради. Бу ерда жаҳон иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг турли жиҳатлари хусусида фикрлашиб олинди.

Анжуманнинг расмий очилиш маросимида БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Галии XX асрнинг охирида дунё олдига турган вазифаларни белгилаб берди. Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги ёш мустақил давлатлар учун бу давр жаҳон ҳамжамиятида, шу жумладан Европа ҳамжамиятида ўз ўрнини белгилаб олиш даври бўлади. Ана шу анжуман доирасида ўтказилган ягона сессия Ўзбекистонга бағишлангани жаҳон бизнеси етакчиларининг мамлакатимизга зўр қизиқиш билан қараётганидан далолат беради. Сессия юксак ишчанлик муҳитида ўтди. Мамлакат Президенти Ислон Каримов жаҳондаги етакчи фирмалар ва компаниялар раҳбарларига ҳозирги кунда Ўзбекистонда хорижий бизнесни ривожлантириш учун қандай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилгани ҳақида сўзлаб берди.

Президентимиз мамлакатимиз бозорини ўзлаштиришни истаган жаҳоннинг етакчи компанияларига қўмаклашишга кафолат бериб, айна пайтда Ўзбекистон ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқли шароит асосида ҳамкорлик қилишга интилаётганини таъкидлади.

— Биз аниқ-равшан лойи-

ҳаларни амалга ошириш учун кредит олапмиз, — деди Ислон Каримов. — Ўзбекистоннинг ҳеч кимдан қарзи йўқ.

Республикада ишончли ҳуқуқий база яратилган, сиёсий, иқтисодий барқарорлик таъминланган, ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хорижий тадбиркорларнинг фикрича, буларнинг ҳаммаси бизнинг иқтисодиётимизга сармоя сарфлаш учун қулай шароит яратади, шу жиҳати билан Ўзбекистон бошқа ёш мустақил давлатлардан фарқ қилади. Давосда «Ўзбекистон — ислохотларнинг янги босқичида» мавзусида ўтказилган сессиянинг муваффақияти жаҳондаги кўпгина ҳукуматлар ва савдо-саноат доиралари раҳбарларини Президент Ислон Каримов билан шахсан учрашишга ундади. Франция, Германия, Швейцариядаги йирик фирма ва банклар намояндалари билан ана шундай суҳбатлар бўлди. Уларнинг баъзилари ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг фикрича, бу ҳамкорлик муваффақиятли кечмоқда. Шунинг учун бошқалар ҳам шундай алоқаларни ўрнатишга интилоқда.

Президент Ислон Каримов ўзига ажратилган қароргоҳда Туркия Бош вазири Т. Чиллерни қабул қилди. Бу учрашув



Туркия савдо-саноат доираларида катта таассуроғ қолдирди.

Марказий Осиёда катта мавқега эга бўлган Ўзбекистонга Европада ҳам қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Швейцариянинг Алтендорф шаҳрида Ўзбекистоннинг йирик Савдо уйи очилгани бунинг ёрқин намунаси. Шу тариқа, мамлакатимиз банк тузилмаларининг улкан тармоғи мавжуд бўлган, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бирида ташки иқтисодий фаолият юритиб Буюк ипак йўлидаги Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи бўғин сифатида ўзининг тарихий ўрнини тикламоқда. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Савдо уйини очишга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида бу фикрни таъкидлади. Маросимга Европа,

Ғарб, Америка йирик саноат корпорациялари ва банкларининг вакиллари келишди. Улар Савдо уйида мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини, Ўзбекистон бадий хунармандчилигининг хилма-хиллигини намойиш қилаётган буюмлар ва маҳсулотлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Савдо уйи амалий учрашувлар, музокаралар жойи, шунингдек Ўзбекистоннинг Швейцариядаги маданият маркази бўлади.

Буларнинг ҳаммаси нуфузли анжуман доирасида делегациямиз жуда самарали ишлаганини кўрсатиб турибди. Жаҳондаги сиёсий ва савдо-саноат доираларининг вакиллари бўлмиш учрашув иштирокчиларининг фикрича, халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар тизимида Ўзбекистон ўз ўрнини тобора дадил белгилаб олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1 февраль куни Давосдан ватанига қайтиб келди.

Давлатимиз бошлиғини Тошкент аэропортида Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Фуломов, ташки ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ЎЗА).

Суратда: анжуман пайтида.

Т. Қурбонов
олган сурат (ЎЗА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Се Гён Инни қабул қилди.

Ислон Каримов Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларга тўхталар экан, мамлакатларимизнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Кореянинг «ДЭУ», «Самсунг» каби йирик фирмалари билан самарали ҳамкорлик икки мамлакат алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини айтди.

Се Гён И самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, корейлик ишбилармон-

лар Ўзбекистонга катта қизиқиш билдираётганини қайд этди. У мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боради, деб умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКАДА САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори билан товарларнинг, шу жумладан озиқ-овқат товарларининг нархлари эркинлаштирилишини тугаллаш ва 1995 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ эркинлаштиришни таъминлаш назарда тутилган эди.

Шу билан бирга аҳолини энг зарур товарлар билан таъминлашда узилишларга йўл қўймаслик ва савдо ходимлари томонидан суиистеъмол қилишларнинг олдини олиш мақсадида кундалик эҳтиёж товарларининг савдода эркин нархлар бўйича мавжуд бўлиши ва сотилиши учун шахсий жавобгарлик вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг биринчи раҳбарлари ва Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юкланган эди.

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, мазкур қарор бажарилишини таъминлаш, аҳоли

таъминотида қатъий тартиб ўрнатиш, кишга зарур озиқ-овқат захиралари тўплаш ўрнига вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг айрим раҳбарлари савдо корхоналарининг раҳбарлари билан биргаликда товарларни белгилаб қўйилган шаклларда сотишга қайтишга қаратилган қарорлар қабул қилмоқдалар ва бу билан жойларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг бозор шаклига ўтишни тушунмасликларини, баъзан эса хоҳламасликларини яна бир бор кўрсатмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари манфаатдор ташкилотлар иштирокида жойларда зарур текширишлар ўтказсинлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

2. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган қарорнинг товарлар нархла-

ри тўлиқ эркинлаштирилишини таъминлаш юзасидан сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилсинлар, айбдорлар эса жавобгарликка тортилиб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилиши назарда тутилсин.

3. Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов савдода бозор нормаларига риоя қилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича зарур чораларни кўрсинлар ҳамда қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг бажарилиши учун жавобгарлиқни оширсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 2 февраль

«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИДА УЧРАШУВ

«Ватанпарвар» — Ўзбекистон мудофаага қўмаклашиш ташкилотининг марказий кенгашида шу жамоат ташкилоти раҳбарларининг республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлди. Учрашув ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш масалаларига бағишланди.

Мудофаага қўмаклашиш ташкилоти (МКТ) марказий кенгашининг раиси генерал-майор Ж. Шоҳмардонов тўп-ланганларга бу ташкилотнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида сўзлаб берди. У «Ватанпарвар» ташкилоти меҳнат-кашларни, айниқса ёш авлод-ни меҳнатта ва Ватан ҳимоя-

сига тайёрлаш ишига катта ҳис-са қўшаётганини таъкидлади. Бу ерда ҳар йили республика халқ хўжалиги учун 30 та мутахассислик бўйича техника соҳаси мутахассислари, шу жумладан шоферлар, тракторчилар, алоқачилар ва бошқа касб эгалари тайёрланмоқда.

Учрашувда 1941-1945 йиллар-

даги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш масалалари ҳам тилга олинди. Йиғилганлар МКТнинг бу шонли санани байрам қилишга доир кенг қамровли режалари билан танишдилар.

Ж. Шоҳмардонов журналистларнинг кўп-қўлаб саволларига жавоб қайтарди. Учрашув қатнашчилари «Ватанпарвар» ташкилотларида фойдаланиладиган ўқув-спорт техникаси кўргазмасини ҳам томоша қилишди.

(УзА).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИДАН ҚАЧОН ҚУТИЛАСИЗ?»

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 25 январь сониди юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола берилган эди. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси текширувлари асосида Ангрен ва Олмалик ҳамда бошқа қатор жойлардаги савдо корхоналари ишида рўй берган жиддий камчиликлар очиб ташланган эди. Мақола юзасидан «Тошкентвилоятсавдо» ҳиссадорлик компанияси раиси Ф. Турсуновдан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Танқидий мақолада Ангрен ва Олмалик шаҳарларидаги савдо корхоналарига тааллуқли фи-

крлар ва фактлар тўғри деб топилди. Чиндан ҳам 9-13 январь кунлари озиқ-овқат маҳсулотлари кеч келганлиги боис савдо тармоқларига ўз вақтида тарқатилмаган. Натижада кундалик зарур айрим товарлар юзасидан узилишлар бўлган.

Газетада чоп этилган мақола «Ангренсавдо» ва «Олмаликсавдо» ҳиссадорлик жамиятларининг 27 январда бўлиб ўтган кенгашларининг кенгайтирилган мажлисларида атрофлича муҳокама қилинди. Унда барча магазин мудирилари, бўлим бошликлари иштирок этди. 28 январь кунини эса «Тошкентвилоятсавдо» ҳиссадорлик компа-

ниясида мазкур мақола яна бир бор кўриб чиқилди. Унда ҳиссадорлик жамиятлари раисларининг тижорат бўйича ўринбосарлари қатнашдилар. Аҳолини зарур озиқ-овқат ва нооziқ-овқат маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаш юзасидан зарур чоралар белгиланди. Шунингдек, тилга олинган шаҳарлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда истеъмол бозорини қўшимча товарлар билан бойитиш ва жойларда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларини бартер йўли билан айирбошлаш эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш йўллари белгиланган. «Ангренсавдо» ва «Олмаликсавдо» ҳиссадорлик жамиятлари етарли миқдорда маҳсулотлар билан таъминландилар.

Зарур маҳсулотлар билан узилишларга йўл қўйган уч нафар магазин мудири ишдан бўшатилиди. Уч нафар магазин мудирига жарима солинди ва икки нафар ходимга хайфсан эълон қилинди».

ТЕХНИКАНИНГ УВОЛИ ТУТМАЙДИМИ?

МАЪЛУМКИ, ўтган йили қишлоқ хўжалигида техниканин-г жуда қадри билинди. Ғалла, пахта ва бошқа экинлар ҳосилини йиғиштириб олишда каттагина узилишлар, қийинчиликлар юз берди. Ҳозирги давр ҳамма соҳада ишга янги, тадбиркорлик билан ёндошишни, туб ислохотлар қилишни талаб этаётган бир пайтда жойларда ҳеч бир сабабсиз бокибеғамлик ва лоқайдликка йўл қўйиб келинмоқда. Ана шундай қусурлардан бири — деҳқоннинг қаноти, ишончи ҳисобланган техникага бефарқ муносабатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 18 январь кунини бўлиб ўтган мажлисда ана шу масала ҳусусида сўз юритилганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳозир «Қишлоқ хўжалигида ўзгариш бўлмас экан, ҳаётда ўзгариш бўлмайди», — деган ақида амал қилипти. Бу ўзгаришлар эса, аввало, қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳолатига, унга бўлган эътиборга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Хўш, жойлардаги ҳозирги вазият қандай? Техникани сақлаш, сошлаш ва ундан фойдаланиш қай аҳволда?

Афсуски, олинган маълумотларга қараганда, жойлардаги аҳвол яхши эмас. Кўпгина хўжаликларга қарашли автомашиналар, тракторлар, пахта териш машиналари ва бошқа техника-механизмлар очик, қўриқланмайдиган жойларда сақланмоқда. Баъзи техникалар, ҳатто, дуч келган ерда қолдириб кетилган. Қаровсиз ташлаб қўйилган техникаларнинг зарур эҳтиёт қисмларини ўғирлаш ҳоллари тез-тез содир бўлиб турибди. Аксариат механик-ҳайдовчилар жамоага тегишли техника воситаларидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб келмоқдалар, турли кўринишдаги қоидабузарликларга йўл қўймоқдалар. Жамоа мулкига нисбатан ана шундай ноқонуний ҳатти-ҳаракат-

ларга чек қўйиш ва келгусида унинг олдини олиш юзасидан таъсирчан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда назорат ишларини изчил йўлга қўйиш учун республика прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги зиммасига техниканин-г сақланиши билан боғлиқ жойлардаги аҳволни назорат қилиш вазифаси юкланди. Ана шунга кўра 20 январдан эътиборан барча виллоятлар ҳудудларида ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар ходимлари, деҳқончилик саноати бирлашмалари, қишлоқ хўжалиги техника назорати вакиллари иштирокида ишчи гуруҳлари тузиш ҳақида аниқ кўрсатма-

кимсаларнинг ўзи ким, улар қайси маконда яшашади?

Тракторчи Абдулла Ўрозов Бекобод тумани фуқароси. «Қишлоқ хўжалик кимеси» идорасига тегишли тракторни ўз уйида сақлаб келмоқда. Оққўрғон тумани қишлоқ хўжалиги техникаси бирлашмасининг механиги Йўлдош Усмонов ҳайдовчиларга техника воситаларини ўз уйларида сақлашга ўзбошимчалик билан рухсат берган. Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» ширкатлар уюшмасининг тракторчиси Қ. Қодиров ва М. Оқбўтаевлар қисмларга бўлиб ташланган, давлат белгиси йўқ Т-28Х4 тракторларини ўз уйларида сақлаб келишган. Тракторларни уйларида сақлашга рухсат этиб, тракторларни қисмларга бўлиб талон-тарож қилиниши ва хўжасизликка йўл қўйганлиги учун хўжалик раҳбари М. Аҳмедовга нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораси кўриш масаласи қўйилди.

Юқоридагига ўхшаш кўнгилсиз аҳволга ҳар қадамда дуч келиш мумкин. Тўғри, айбдорлар ўз қилмишларига яраша тегишли жазо оладилар. Аммо бизни бошқа нарса қаттиқ ажаблантиради. Қишлоқда техника воситалари танқис ёки уларнинг кўпи ишга бутунлай яроқсиз бўлган, ҳар бир техника олтинга баҳоланаётган бир пайтда шу ҳам техникага муносабат бўлдимиз? Қани инсоф, қани диёнат?! Нега энди ўзимиз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган техникани қаровсиз, аянчли аҳволга ташлаб, ўз қанотимизни ўзимиз қирқамиз? Хулоса битта: жойларда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб, йўл қўйилган камчиликларга тезда барҳам берайлик.

А. ҚУШБОЕВ.
Тошкент виллоят давлат автомобил нazorати бошқармасининг ходими, милиция майори.

«Тошкент ҳақиқати» бонг уради!

лар берилди.

Тошкент виллоят ҳудудидаги барча туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ҳам ана шундай техниканин-г аҳолини назорат қилиш комиссиялари тузилди ва ишчи гуруҳлари ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар.

Ишчи гуруҳлари январь ойининг сўнгги уч кунини мобайнида 21 та давлат, 108 та жамоа хўжалиги, 3 та ширкат ва 32 та бошқа хўжаликларда бўлиб, 164 та техника турар-жойларини кўздан кечирдилар. 654 та қонидани бузиш ҳоллари аниқланди. 6 та ерда техника қўриқланмайдиган жойда, 196 та транспорт воситаси эса уйларида сақланаётганлиги маълум бўлди. 14 трактор қисмларга бўлиниб ташлаб қўйилган. 9 та трактор ва механизмнинг эгаси маълум эмас. 17 нафар механик-ҳайдовчи транспорт воситаларидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган вақтда қўлга тушишди.

Текшириш ўтказиш пайтида 193 ҳайдовчи ва 34 мансабдор шахсга нисбатан жавобгарлик варақаси тўлдирилди. Шундан 125 кишига жарима солинди. Хўш, бу

Вилоят ҳокимлигида

ТОЗАЛИК БОР ЖОЙДА...

ШУ йил 3 февраль кунини Тошкент виллоят ҳокимлигида виллоят эпидемияга қарши кураш фавкуллда комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.


Йиғилишни виллоят ҳокими Э.М.Рўзиев очди ва олиб борди. Йиғилишда шаҳар ва туман ҳокимлари, виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, шаҳар, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари, шаҳар, туман СЭСлари бош шифокорлари, мутасадди ташкилот ва корхона раҳбарлари иштирок этдилар.

Кун тартибига қўйилган масалалар - Тошкент виллоят ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш чоралари ҳамда виллоят эпидемияга қарши кураш фавкуллда комиссиясининг тадбирлари юзасидан виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А.Содиқов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокарада Бўстонлиқ тумани ҳокими А.Абдусодиқов, «Тошвилводоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Т.Каримов, «Тошвилтайёрловсавдо» бошқаруви раиси А.Мирсолиев ва бошқалар сўзга чиқдилар ҳамда ўз ҳудудларида ва ташкилотларида мазкур масалалар юзасидан амалга оширилаётган режалар ҳусусида тўхталдилар. Шунингдек, улар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, маҳаллаларни озода тутиш, чиқиндиларни ўз вақтида белгиланган жойларга чиқариб ташлаш, сув шохобчалари, манбаларини озода сақлаш ва муҳофаза этишга кўпроқ эътибор бериш кераклигини таъкидладилар.

Йиғилишда Республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримов қатнашди ва сўзга чиқди.

Йиғилишда виллоят эпидемияга қарши кураш фавкуллда комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди ва кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.



ОЛАМДА НИМА ГАП?

ОВРУПО ИТТИФОҚИНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Оврупо мамлакатлари интеграцияси тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Иқтисодий соҳадаги бундай яқинлашув ўз самаларини бермоқда. Қитъа мамлакатларида аҳоли турмуш даражаси ўсиб бораёттир. Ҳозир бу Иттифоқ 15 та давлатни бирлаштириб турибди. Иттифоқ доирасидаги сиёсий, молиявий, маданий ва бошқа ишларга махсус комиссия бошчилик қилади. 10 йилдан буён Оврупо Иттифоқи комиссияси Франциялик сиёсий арбоб Жак Делор бошчилигида ишлади. Эндиликда унинг ўрнини янги раис эгаллади. Бу — Люксембург давлатида бош вазир лавозимида ишлаб келган Жак Сантердир.

Сантер ҳамма вақт Оврупо интеграциясини чуқурлаштириш тарафдори бўлиб келган. У федерализмга мойиллик қилади. Бироқ Жак Сантер Оврупода ҳозирги Қўшма Штатлардагига ўхшаш давлат тузилишини вужудга келтириш имкониятини йўқ деб ҳисоблайди. У комиссия раиси сифатида Оврупо Иттифоқида кирган барча давлатларнинг янада тараққий этишига эришишни ўзининг асосий бурчи деб билади. Сантер комиссия тузилган даврдан буён ўтган давр ичида унга сайланган 9-чи раисдир.

Сўнгги йилларда Фарбий Оврупо интеграцияси борасида эришилган катта ютуқларни унинг ўтмишдоши Жак Делор номи билан боғлаб келинади. Сантер ҳам бу лавозимда ана шундай ёрқин из қолдира олармикан? Янги комиссия таркибига кирган Оврупо Иттифоқи барча мамлакатларининг 20 нафар вакили, шу жумладан, иттифоққа бу йил қўшилган Австрия, Швеция ва Финляндия вакиллари бу саволга ижобий жавоб бериш учун ҳамма ишларни қилишга тайёрдилар. Комиссия яқинда ўз фаолият дастурини ишлаб чиқиши керак. У 1999 йилга иқтисодий ва молиявий иттифоқни узиш-кесил шакллантириб бўлиш, ягона валютани жорий этишга истиқболдаги энг муҳим вазифалар деб қарамоқда. Шунингдек, Оврупо Иттифоқини Марказий-Шарқий Оврупо давлатларининг кириши ҳисобига яна кенгайтириш жараёни давом эттирилади.

Бу орада янги комиссия Оврупо Иттифоқи тузилишини такомиллаштириш, унинг ташкилотларини ислох қилишни кўзламоқда. Бундай ислохот Оврупо Иттифоқи кенгайтирилган таркибда муваффақиятли иш олиб бориши учун лозимдир.

НОМЗОДЛАР САФИ ОРТМОҚДА

1996 йил ёзида Россия давлати бошлиғи сайланиши керак. Ана шу ҳақда Россия марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Александр Иванченко ақинда маълум қилди. Россия Федерациясининг демократик йўл билан ўтган сайловида умумхалқ эътибори ва эътирофини қозонган Борис Ельцин қайта сайланармикан? Ёки унинг ўрнига янги сиёсат арбоб келармикан? Ҳозирча Президентликка даъвогарлар бирин-кетин ўз ниятларини маълум қилмоқдалар. Улардан бири машҳур кўз шифокори, шунингдек, тадбиркорлиги билан донг таратган Сергей Фёдоровдир. У иқтисо-

дий соҳада бурилиш ясаш учун мулкчилик шакллари тезда ўзгартирилиши, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши лозимлигини айтмоқда.

Президентнинг миллий сиёсат бўйича собиқ маслаҳатчиси Ғалина Старовойтова ҳам давлат «рули»га ўтиришга тайёр эканлигини ошкор қилди. У президент лавозимига номзод сифатида кўрсатилиши учун зарур миқдордаги имзо тўплаш кампаниясини бошлашга киришди, деган гаплар ҳам бор. Сўнгги вақтларда Старовойтова хоним АКШда яшамокда ва шу мамлакатда фаолият кўрсатаёттир.

ХАЛҚАРО НИКОХЛАР

1993 йилда Москвада 943 та халқаро никоҳ қайд қилинган. Кизиги шундаки, бундай никоҳларнинг 3 фоизиданга рус йигитлари хорижлик аёлларга уйлانганлар. Бундан маълум бўладики, рус эркакларига хорижда талаб унчалик катта эмас экан. Бироқ рус аёлларига чет элликлар орасида ишқивоз кўп. Халқаро никоҳдан 99 таси АКШ фуқаролари билан, 66 таси Исроил фуқаролари билан, 65 таси Югославия, 55 таси Сурия, 49 таси Германия, 43 таси Тур-

кия фуқаролари билан қайд қилинган. Бундай никоҳ гувоҳномалари шунингдек, Афғонистонлик фуқаролар билан (41 та), Хитой (14 та), Финляндия (11), Бангладеш (10), Вьетнам (9) фуқаролари билан оила қураётганларга берилган.

1994 йили чет элликлар билан никоҳдан ўтиш ҳоллари кўпайди. Бу рақам Москвада 1250 тага етди. Яна АКШ, Исроил, Югославия, Сурия ва Германия фуқаролари билан энг кўп халқаро никоҳлар қайд қилинди.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ, УЧУН!

ТАБИАТНИ

ТАҲЛИЛ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

ОЛМАЛИҚ ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоятимиздаги йирик бўлиналардан ҳисобланади. Фақатгина Олмалик эмас, бутун Пискент тумани ҳам унинг тасарруфига кирилади. Бу шаҳар ва туманда табиатни муҳофаза қилиш ишларининг аҳоли кўп жиҳатдан шу қўмита жамоасининг ишига боғлиқ. Бу ҳудудда атроф муҳит мусавваланган таъминлаш қандай аҳволда? Мутахассис экологлар шу олийжаноб мақсад йўлида қандай фаолият кўрсатмоқдалар? Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги мажлисида бу масала атрофлича ва чуқур таҳлил қилинди, ютуқлар қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Олмалик йирик саноат марказларидан бири бўлиб, унинг 3 та саноат минтақасида 20 дан ортқ йирик саноат корхоналари жойлашган. Бундан ташқари, қатор қурилиш, монтаж, транспорт, таъмирлаш, уй-жой-коммунал ташкилотлари ҳам бор. Пискент туманидаги корхоналар ва ташкилотлар сони 70 тага яқинлашиб қолади. Шу билан бирга ўндан ортқ жамоа ва давлат хўжаликлари ишлаб турипти.

Ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси атроф-муҳитни ифлос қилувчи 170 та объект иши устидан назорат олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бу хайрли ишда муайян ютуқларга эришилди. Кейинги салкам беш йил давомида зарарли моддаларнинг атрофга чиқарилиши 38 минг тоннага камайди. Биргина шу йилнинг ўзида бу кўрсаткич 13 минг тоннани ташкил этди. Ҳудудда атмосферага захарли бирикмаларни чиқаришнинг камайиш таъминоти муттасил давом этапти. Кўпгина захарли моддалар анча кам чиқариладиган бўлиб қолди, айримлари бўйича белгиланган меъёрлар даражасида бўлишига

эришилипти. Сувдан қайта фойдаланишни кўпайтириш ҳисобига тоза сувни ишлатиш 3,1 миллион куб метргача камайди. Бунинг натижасида ифлос оқава сувлар ҳам анча қисқарди.

Экологлар бундай ютуқларга аввало гидрометеорология бош бошқармаси, ДАН, СЭС, прокурорликнинг маҳаллий идоралар, ҳокимлар билан яқин ҳамкорликда ишлаш, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига аҳолини кенг жалб қилиш туфайли эришмоқдалар.

Қўмита ходимлари ҳар ҳафтанинг чоршанба куни Пискент ва пайшанба куни Олмалик шаҳар ҳокимликларида табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича фуқаролар қабулини ўтказадилар. Кенг меҳнаткашлар орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун маҳаллий ахборот воситаларидан фойдаланилапти. Мактабларда экологик таълим тобора кенг ўтилмоқда. Аҳолини экологик тарбиялашнинг бошқа воситаларидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳудудий қўмита табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини назар-писанд қилмаётган шахслар, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма

ларни амалга оширишга панжа орасидан қараётган, бу муҳим ишга лоқайдлик билан ёндошаётганларга нисбатан турли хил чоралар кўрмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида ҳудуд шундай камчиликка йўл қўйган мансабдор шахслардан 27 кишига жарима солинди. У бир неча минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўнлаб кўрсатмалар берилди. Уларнинг 80 фоиздан кўпроғи амалга оширилди. Бу кўрсаткичлар олдинги йиллардагига нисбатан анча юқоридир.

Мажлисида ҳудудий қўмита фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг сабаблари алоҳида таъкидлаб кўрсатилди. Табиатни муҳофаза қилиш таъминловчи барча имкониятлардан тўла фойдаланилмапти. Шунинг учун ҳам атроф муҳитни соғломлаштириш соҳасида янада салмоқлироқ натижаларга эришиш мумкин бўлмапти. Атмосферани чанг, иккиламчи оксид, олтингургурт, фенол, фтор ангидриди ва аммиак билан булғаш меъёрдагидан бир неча баробар кўп бўлмоқда. Айниқса, автотранспорт томонидан ҳавони ифлослантириш сезиларли даражада камаймаяпти. Транспорт воситаларини табиий газга ўтказиш соҳасидаги ишлар ниҳоятда қониқарсиздир. Экологлар эса бу масалада қатъийлик кўрсатмаяптилар.

Маълумки, атроф-муҳитни соғломлаштиришнинг энг сама-

рали усули табиатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишига эришишдир. Шаҳар ва туман корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликларида турли хил шундай иш-шароитларни қуриш юзасидан ҳар йили режалар тузилади. Лекин, афсуски, улар доим ҳам тўла амалга оширилмаяпти. Буни Олмалик кон-металлургия комбинати, «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, бинокорлик материаллари комбинати ва бошқа корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларда ҳар йили табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари белгиланади. Лекин айримларини амалга ошириш ниҳоятда чўзилиб кетмоқда. Бажариш муддатлари ўзгартирилаверади. Бунга эса асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Бу ҳудудда табиат муҳофазаси бўйича йўл қўйилаётган яна бир катта камчилик — ҳозирги вақтгача ишлаб чиқариш чиқиндиларидан 800 миллион тоннадан ортқ тўпланиб қолганлигидир. Уларни қайта ишлаш ва фойдаланиш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Айрим корхоналарда бундай ишни олиб бориш умуман назарда тутилмаган. Ваҳоланки, шу чиқиндилар асосида халқ хўжалиги учун зарур бўлган қатор маҳсулотлар, биринчи навбатда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш мумкин.

Ҳайъат мажлисида муҳофаза қилинган бу масала бўйича қарор қабул қилинди. Унда ҳудудда табиатни муҳофаза қилиш ишлари қўламини янада кенгайтириш ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Уларни амалга ошириш Олмалик шаҳри ва Пискент туманида атроф муҳит мусавваланган, ҳаво, сувнинг тозаллигини таъминлашга ёрдам беради.

ФАОЛЛАРГА МУКОФОТЛАР

ТАБИАТНИ муҳофаза қилиш умумхалқ иши бўлиб қолди. Эндиликда унинг муаммоларини ҳал қилиш учун ҳамма — экологлар ҳам, корхона-ташкilotлар жамоалари ҳам, ҳар бир фуқаро ҳам барабар жон куйдириши лозим. Умуман бу хайрли ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Вилоятимиз шаҳарлари ва қишлоқларида табиатнинг ҳақиқий жонкуяру-фидойилари кўплаб топилади. Экологларимиз уларни ўзларига қўмақдош қилиб олишяпти. Улар табиатни муҳофаза қилиш ишларига жондидан ёрдам беришяпти. Яқинда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шундай фидокор табиат ҳимоячиларидан бир гуруҳини пул ва бошқа қимматли буюмлар билан мукофотлади.

Улар орасида уруш ва меҳнат фахрийси, Ангрен минтақавий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг жамоатчи нозири У. Аҳмедов, шу қўмитанинг штатсиз нозири Х. Бектуроповлар ҳам бор. Улар кексалик гаштини суриш билан бирга қўмита ишларига яқиндан ёрдам беришяпти, зиммаларидаги вазифани сидқидидан бажармоқдалар.

Чирчиқ автобус-таксомотор саройининг муҳандис экологи Н. Горячкина, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг штатсиз нозири А. Емцов, «ЎртаОсиёқўмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандиси А. Гай, Янгийўлдаги 2503-автожамламаси муҳандиси В. Кривошева, шу жамлама директори А. Ражабов ва бошқалар ҳам мукофотлар билан тақдирландилар.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

ПАРКЕНТ гишт заводи жамоаси хайрли иш қилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган қимматли бинокорлик материаллига талабгор жуда кўп. Хўжаликлар, айниқса, яқка тартибда уй-жой қураётган оилалар унинг маҳсулотига катта эҳтиёж сезмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўплаб харид қилишяпти. Ҳа, корхона ишчи-хизматчилари туманда, айниқса, турар-жойлар қурилишига озми-кўпми ёрдам бермоқдалар. Буни фақат табриклаш ва тақдирлаш мумкин.

ТАНБЕҲЛАР ТАЪСИР ҚИЛМАГАЧ...

Лекин, барча соҳада бўлгани каби гишт заводида ҳам табиатни муҳофаза қилиш, унга заррача бўлса ҳам зарар етказмаслик талаб қилинади. Корхонада эса бу муҳим иш билан умуман шугулланилмапти. Бу ердаги экологик аҳволни қачон текширманг, албатта, нуқсонларга дуч келасиз. Технологияни бузиш, тупроқ ишларини олиб боришда белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаслик

каби ҳоллар ҳеч бартараф этилмапти.

Экологларимиз ҳар гал текширишда аниқланган камчиликларга тузатиш юзасидан кўрсатмалар беравериш чарчадилар. Корхона раҳбарларига бир неча марта танбехлар ҳам берилди. Лекин, табиатни муҳофаза қилиш ишида сезиларли силжишлар бўлмапти. Шуни ҳисобга олиб куни кеча завод раҳбари Қ.Шоқосимов сўнгги бор

огоҳлантирилди ва унга бир неча юз сўмлик жарима солинди. Бу жаримани у ўзининг шахсий ҳисобидан тўлайди. Бу чора раҳбарнинг табиатни муҳофаза қилиш ишига нисбатан лоқайд муносабатда бўлишига хотима беради, деган умиддамиз.

Р.САРБОЕВ.
Паркент тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи нозири.



◆ Қазиб олинг, лекин, зарар етказманг ◆

ЧИРЧИҚ ва Оҳангарон дарёларининг халқ хўжалиги учун катта аҳамияти борлигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, уни ҳамма билади. Бу икки дарё оби-ҳаёти билан минглаб гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинлари сугорилади, айни вақтда улар ичимлик сувнинг бебаҳо манбалари ҳисобланади. Республикамиз пойтахти Тошкентнинг икки миллиондан ортиқ аҳолиси ҳам Чирчиқ сувидан фойдаланади, бу дарёлар қирғоқларига жойлашган қатор шаҳарлар ва туманлар ҳудудидаги дарё сувини ўз эҳтиёжлари учун ишлатаётган корхоналар ва хўжаликлар сонига санаб етиб бўлмайди.

Ҳа, вилоятимиз узра ташланган бу икки кокилни эслатувчи сув манбаларининг аҳамияти, мавқеи бекиёсдир. Шунинг учун ҳам уларнинг доим табиий ҳолда сақланишига эришишимиз, ифлос қилмаслигимиз, ўзанларига путур етказмаслигимиз лозим. Афсуски, ҳозирча бундай қилинмайти. Бир вақтлар орқа-ўнги-ю, оқибатини уйламай уларнинг яқинига қурилган корхоналар, конлар, чорва фермалари, турар-жойлар улар сувини кўп даражада булғатмоқда. Чунки оқавалар етарли даражада тозаланмасдан оқизиб юбориларди.

Бу икки дарёнинг табиий ҳолда сақланиши билан боғлиқ бўлган масаланинг бир томони. Унинг яна бир муҳим томони ҳам бор. Маълумки, бу дарёлар ўзани тош, шағал, кум каби табиий бойликларга ҳам жуда бой. Ҳозирги вақтда эса ҳеч бир қурилишни, у хоҳ йирик саноат корхонаси бўлмасин, хоҳ мўъжазгина уй-жой бўлмасин, шундай материалларсиз қуриб бўлмайди, буни умуман тасаввур қилишнинг ўзи ҳам мумкин эмас.

Бу дарё ўзанларидан шундай қимматли бинокорлик материалларини қазиб олиш ҳажми ниҳоятда ошиб кетди. Уни тартибга солинмаса табиатга шундай путур етказиш мумкинки, уни кейинчалик юз йил давомида ҳам қайта тиклашнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун кейинги йилларда оби-ҳаёт дарёлари ўзанидан кум-шағал қазиб олишни тартибга солиш ва тобора камайтириб боришга эътибор кучаймоқда.

Бу ишга, айниқса, Чирчиқ дарёсида қаттиқ киришилмоқда. Тошкент вилоятида табиат ресурслари-

дан фойдаланиш ва атроф-муҳит му-саффолигини таъминлаш юзасидан 2005 йилгача муддатга мўлжалланган дастурда бу сув ҳавзасида бинокорлик материаллари қазиб чиқаришни тўхтатиш назарда тутилган. Чирчиқ балиқ овлаш дарёси бўлиб келган ва кейинчалик ҳам шундай бўлиб қолиши лозим.

Бу икки дарё ўзани аҳолини чуқур ўрганиш шунини кўрсатдики, уларда бинокорлик материалларини қазиб чиқариш кўп ҳолларда табиатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидаларига зид равишда ташкил этилган. Бу ерда ўнта корхона жойлашган бўлиб, улар кум ва шағални қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Фақат шулар-

бошимчаликдан, билиб туриб сув манбаига катта зарар келтиришдан бошқа нарса, деб бўлмайди.

Табиатига шу каби путур етказилаётган кон биттагина бўлса қошки эди. Қатор бошқаларида ҳам шундай аҳвол. Шу туфайли ҳам айбдорларга нисбатан кескин чоралар кўришга тўғри келди. Ўтказилган текшириш натижалари бўйича кум-шағал қазиб чиқарувчи иккита кон иши тўхтатиб қўйилди.

Биргина ер ҳақидаги қонунчилик 53-мартда бузилган. Фақат шугина эмас. Сув ҳақидаги қонунчиликка эллик тўққиз ҳолатда амал қилинмаган. Табиатни муҳофаза қилиш қонунини бошқача бузишларга яна 26 мартга йўл

да ижобий томонлар ҳам йўқ эмас. Бу ерда барча ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши устидан доим назорат қилиб турувчи мутахассис ажратилган. Бузилган ерлар қайта тикланиб, экинлар экиш йўлга қўйилмоқда.

Бироқ айни вақтда анчагина муаммолар ҳам мавжуд. Аввало шунини айтиш керакки, бу ерда зарарли чиқиндиларни меъёридан ортиқча чиқариш оддий ҳол бўлиб қолган, кум-шағал қазиб олишда белгиланган тартибга доим ҳам амал қилинмайди, конларни чуқур қовлаш, дарё ўзанига бошқача шаклда путур етказиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бунинг устига тозалаш иншоотлари самарали ишламаяпти, ҳаво пуркагичларни сошлаш масаласи ҳал қилинмаяпти. Бетонни аралаштириш бўлинмасида газ тозалаш қурилмалари ўрнатилмаган. Канализация коллектори тубдан таъмирланиши керак, бу ерда тез-тез бузилишлар содир бўлиб туради. Бунга йўл қўймаслик лозим.

Умуман Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ўзанидан бинокорлик материаллари қазиб олишни тартибга солиш вақти келди. Бу ишда хўжасизлик, бефарқликка чек қўйиш давр талаби бўлиб қолди. Шунини ҳисобга олган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бу икки сув манбаи ўзанидан кум-шағал қазиб чиқаришни яқин вақт ичида тўла тўхтатиш, бундай бинокорлик материаллари ўрнини босадиган бошқа хом ашё манбаларидан биринчи навбатда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш вазифасини қўйди. Бундай ресурслар Ангрен ва Олмалиқда жуда кўп, бундан ташқари бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш мумкин бўлган табиий хом ашёлар ҳам бор. Дарёлар ўзанидан кум, шағал, тош қазиб олаётган бинокорлик материаллари саноати корхоналари яқин икки йил ичида бу муаммони ижобий ҳал қилишга эришишлари лозим. Бу ишни кечиктириш бизни оби-ҳаёт билан таъминлаётган дарёларга етказилаётган зарарнинг янада кўпайишига олиб келади. Буни унутмаслик лозим.

А. ЭРГАШЕВ.

вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг етакчи мутахассиси.

ДАРЁЛАР ЎЗАНИГА ПУТУР ЕТКАЗМАСИН

Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ўзанидан бинокорлик материаллари — кум, шағал, тошни қазиб олишда қачон тартиб бўлади

гина эмас, дарёлар табиатига катта зарар келтираётган бошқа объектлар ҳам бор. Чунончи, яна саккизта кон ҳам ишлаб турипти. Уларнинг биттаси Қибрайда, иккинчиси Чинозда, қолган олтитаси эса Янгийўл минтақасида жойлашган. Улардан ҳам ҳар йили минг тонналаб табиий ресурслар қазиб олинмоқда.

Бундай конларнинг айримларида табиатни муҳофаза қилиш кўпол равишда бузилган. Ачинарлиси шундаки, билиб туриб шундай номаъқулчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунга Қибрай сув ажратгичи яқинида жойлашган кондаги аҳволни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда кум-шағал қазиб олинаётган жойлар чуқурлиги 20 метр, айрим жойларда ундан ҳам ошиб кетган. Аслида бундай чуқурликкача қовлаш асло мумкин эмас. Қоидага мувофиқ у тўрт метрдан ошмаслиги лозим. Буни ўз-

қўйилганлиги маълум бўлди. Бундай нуқсонлар содир бўлишининг олдини олишга лоқайдлик билан муносабатда бўлган корхоналар раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан турли жазо чоралари кўрилди. Жумладан, ўттиз нафар айбдор шахсга жарима солинди. Улар бу пулни ўз ҳамёнларидан тўлайдилар. Мақсад зора-мора шундай жазо уларнинг кўзини очса, бефарқлик кайфиятидан халос этса. Гап жаримада эмас, аслида унинг таъсир кучидан фойдаланишдадир.

Чиноз бинокорлик материаллари ва конструкциялари заводи ҳам дарё ўзанидан қазиб олинган хом ашё — кум ва шағал асосида ишловчи йирик корхона ҳисобланади. Ҳар йили юз минглаб куб метр шундай материалларни қайта ишлайди. Лекин, заводда табиатни муҳофаза қилиш ҳолатини кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Тўғри, унинг бу соҳадаги фаолияти-



Бу йил муз кўрмаймиз шекилли?

Шунақаси ҳам учрайди ҲОЗЛАР ҚАНДАЙ МАСТ БЎЛИШДИ

БОШҚИРДИСТОН-НИНГ Белебей шаҳрида яшовчилар учун бу ҳодиса тушда содир бўлгандек туюлди: шаҳар чеккасида пати юлинган ғоз ва ўрдаклар бир қатор бўлиб, гандираклар келишарди.

Бунинг сабаби кейин маълум бўлди. Шаҳарда самгончиларни фаш қилишга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақидаги миш-мишлар тарқалган. Маҳаллий самгончилардан бири ҳавотирланиб, бир челақ тўла заҳар-заққумни қўшнисининг

экинзорига сепиб юборган. Самогон нўхотдан тайёрланган эди. Уй паррандалари нўхотни талашиб тортишиб, паққос туширганлар. Орадан бир соат ўтгач, барча паррандалар маст бўлиб, оёқларини чўзиб ётиб қолишган. Бу аҳволни кўрган эгаси дод солган. Жилла қурмаса патини юлиб ёстиқ қиларман деб ғозу ўрдакларни «тўни»дан маҳрум қилган. Кечга яқин эса паррандалар ўзига келиб, газак топиш учун ўз уйлари томон йўл олишган эди.

◆ Лоқайдлик қачонгача давом этади? ◆

БИРИНИ КҮРИБ ҚУВОНАСАН,
ИККИНЧИСИНИ КҮРИБ...

ТУМАНИМИЗДА ўнлаб саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ишлаб турипти. Очигини айтганда уларнинг ҳар бири атроф муҳитни ифлос қилувчи манба ҳисобланади. Ишлаб чиқариш бор жойда чиқиндилар ҳам бўлади, улар қаттиқ, газ ва бошқа шаклларда табиатга зарар келтиради.

Бу корхона-ташкilotларда экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Айримларида бу соҳада дуруст натижаларга эришиляпти. Бунга Келес газлаштириш корхонасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Корхонада ҳар йили табиатни муҳофаза қилиш юзасидан ишлар қилинади. Бу ерда доим саранжом-саришталик ҳукм суради. Корхона ҳовлиси озода бўлади, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилади. Унга қарашли ҳудуд бамисоли кичик боғни эслатади. Кўплаб манзарали ва мевали дарахтлар бор. Улар жазирама иссиқда корхона ҳавосини мўътадил бўлишига ёрдам беради. Гулзорлар баҳри-дилигизни очади. Ишлаб чиқариш бинолари ичида тўпланган ахлат ёки чиқиндини, тўкилган мой доғларини учратмайсиз. Автомобиллар гаражидagi экологик ҳолат ҳам санитария талабларига жавоб беради.

Қизилтепагеология экспедициясига қарашли автотранспорт корхонаси ва «Стеновик» ширкатиди эса тамомила бошқа манзара ҳукм сурмоқда. Чунки, бу корхоналарда атроф муҳитнинг мусоффолигини таъминлашга эътибор берилмаяпти. Ҳар йили шу мақсадда белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги қоғозда қолиб кетади.

Ширкат ҳудуди доим ифлос бўлади, тўпланиб қолган чиқинди уюмлари вақтида ташиб кетилмайди. Брак бўлган гиштлар, уларнинг парчалари ҳаммаёқда ёйилиб ётади. Автокорхонадаги экологик аҳвол янада аянчлидир. Ёнилғимойлаш материаллари тўкилиб, тупроқ таркибини бузмоқда. Автомашиналарни ювиб тозалаш учун махсус жой қилинмаган. Ифлос бўлган оқавалар сув манбаларига тушириляпти.

Экологларимиз бу корхоналар раҳбарларига табиатни муҳофаза қилишдаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бир неча марта оғзаки ва ёзма мурожаат қилдилар. Лекин улар ишда ўзгариш қилишмаяпти. Сабаб-зарур асбоб-ускуналар ва маблағ йўқ эмиш. Аслида эса бу фаолиятсизлик, муҳим ишга, аввало ишчи-хизматчилар саломатлигини муҳофаза қилишга панжа орасидан қараш оқибатидир. Изланганлар имконият топишляпти. Уларни бу корхоналарда ҳам топса бўлади. Бунинг учун эса аввало кунт, белгиланган тадбирларни вақтида бажариш, ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиш лозим.

А. АБДУРАҲМОНОВ.
Тошкент тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат нозир.

Ўнлаб саноат корхоналари ўзларининг қаттиқ шундай чиқиндилари билан атроф муҳитни ифлослантирмоқда. Аслини олганда уларнинг кўпчилигидан турли мақсадларда фойдаланиш, айниқса, бинокорлик материаллари тайёрлаш учун ишлатиш мумкин. Шу туфайли ҳам бу масала вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг доимий назорати остида бўлмоқда. Кўп жihatдан шу кўмитанинг саъй-ҳаракатлари билан вилоятимиздаги барча йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш чиқиндилари меъёрлари ва уларни жойлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилган. Кўпчилик корхоналарнинг раҳбарлари чиқиндилар ҳажмини камайтириш, имкони борича улардан фойдаланиш, қайта ишлашни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Айни вақтда бу муаммони ҳал қилиш юзасидан етакчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдалар.

Масалан, Ўзбекистон металлургия заводи, «Электрохимсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналарда чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар ташкил этилди. Ангрендаги кўмир резези, Янги Ангрен давлат туман станциясида чиқиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи махсус заводлар қурилиши режалаштирилди. Биргина Ангрен давлат туман электр станциясининг чиқиндиҳоналарида 5 миллион тоннадан ортиқ кул-шлак тўпланиб қолди. Ҳозирги вақтда улардан халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича айрим илмий ишланмалар бор. Ангрен кўмир разрезиди ёқилги билан бир вақтнинг ўзиди ун-

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒАР

Вилоятимиз табиатига зарар келтираётган манбаларнинг бири ишлаб чиқариш чиқиндиларидир

га қўшиб каолин, оҳак ва бошқа шу каби фойдали бойликлар ҳам қазиб олинади. Бироқ улардан фойдаланиш йўлга қўйилмаган. Оқибатда ҳозирги вақтда 200 миллион тоннадан ортиқ ана шундай тоғ жинслари тўпланиб қолди.

Умуман вилоятимизда биргина қаттиқ чиқиндилардан ҳар йили 30 миллион тоннадан ортиқ йиғилиб қолмоқда. Уларнинг бор-йўғи 0,4 фоизи фойдаланилмоқда ва қайта ишланмоқда. Ҳозирги вақтда шундай чиқиндилар 6 минг гектардан ортиқ ерни эгаллаган. Агар уларни қайта ишлаш йўлга қўйилганида катта ҳажмдаги бу ерларда ҳам қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни йўлга қўйиш мумкин бўлар эди.

Ташвишлиси шундаки, айрим чиқиндилар ниҳоятда зарарли бўлганлиги учун атроф муҳитга катта хавф солмоқда. Бунинг учун битта мисол келтиришимиз мумкин. Бўстонлик туманининг Яккатут қўрғониди таркибиди зарарли қаттиқ моддалар бўлган кўп миқдордаги чиқиндилар тўпланиб қолди. Улар асосан 30 — 40 йил давомида тоғларда конларни қазиб оқибатида пайдо бўлган. Вилоят экологлари ана шу хавфли манбани тўла бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматли металл қўмитасига қарашли Бурчмулла олмос заводи раҳбариятига расмий мурожаат қилиб, бундай чиқиндиларни кўмиш зарурлигини

ни ва ерни экинлар етиштиришга мослаш лозимлигини уқтирдилар. Завод раҳбарлари бу ишларни бажариш учун лойиҳани буюртма қилди. У 1992 йилда «Ўзгипрозем» институти томонидан тайёрланди ҳамда республика Давлаттабиатқўмитаси билан келишилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида лойиҳа асосиди ишлар завод кучи билан хўжалик усулида бошлаб юборилди.

Яқинда бу ишларнинг бориши текшириб кўрилди. Режага мувофиқ уларни шу йил охиригача тўла тугатиш лозим эди. Текшириш натижасиди ҳали катта ҳажмдаги ишлар бажарилмаганлиги маълум бўлди. Тўғри, қилинган ишлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Қисқа муддатда бу чиқиндилар яқиниди ўтадиган сув тармоқлари кўчирилди. Тошқин сувлар, қор-ёғир ва булоқ сувлари оқими чиқиндилардан анча наридан ўтадиган қилинди. Тарнов каналининг бир қисми қурилди. Қурилиш ишларини тугатиш учун зарур бўлган металл прокати ажратилди. 20 гектар ерни тиклаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Барча майдонларни текислаш охирига етказилди.

Бироқ ҳозирги вақтда бу объектида барча ишлар тўхтаб қолди. Уларни тугатиш учун маблағ йўқ эмиш. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бу ишларни тезроқ охирига етказишни қатъий талаб қилмоқда. Ўзи ҳам қўлдан келганча ёрдам беришга интиляпти. Шунинг

учун бу масалани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эътиборига етказилди. Бош вазир тегишли идораларга «Ўзбекколмолосолтин» ассоциацияси билан биргаликда бу ердаги чиқиндиларни зарарсизлантириш бўйича ишларни маблағ билан таъминлаш масаласини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш вазифасини топширди. Ўйлаймизки, бу ишда силжишга олиб келади. Чунки имконият қидирилса албатта топилади. Олма пиш, оғзимга туш қабилди иш юритишдан ҳеч қачон ҳеч ким фойда кўрмаган. Ишлаб чиқариш чиқиндилариди хом ашё сифатиди фойдаланиш қанчалик катта иқтисодий самара беришини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожаги бўлмаса керак. Албатта, бунинг учун муайян миқдорда маблағ сарфлаш талаб қилинади. Лекин унинг ҳар бир сўми ўзига нисбатан бир неча баробар кўп фойда келтириши ҳам аниқ. Аввало бундай тадбир табиатнинг мусоффолигини, демак эл-юртнинг саломатлигини таъминлашга олиб келади. Шу сабабли экологлар шу мақсад йўлидаги ишлари самарадорлигини янада ошириш учун барча омиллардан фойдаланишлари лозим. Бу ишда уларга жамоатчилик, бевосита ана шундай чиқиндиларни ҳосил қилган ишлаб чиқаришларнинг раҳбарлари яқиндан ёрдам беришлари зарур.

М. МАҲМУДОВ.

«Янгийўл» саҳифаларида

ҲОЗИРГИ кунда экологик ҳолат жаҳон миқёсидаги муаммага айлانган экан, атроф-муҳитнинг софлиги учун кураш ҳар биримизнинг жамият, инсоният, келажак авлод олдидаги бурчимиздир. Янгийўл табиатни муҳофаза қилиш минтақавий кўмитамиз жамоаси ўз фаолияти давомида аҳоли ўртасиди ушбу масаланинг нақадар долзарблигини кенг тарғиб қилиш, кишилар қалбиди табиатга муҳаббат, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқни янада кучайтиришга эътибор бериб келмоқда.

Бунда «Янгийўл» рўзномаси тахририятининг ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Табиийки, матбуотнинг вазифаси давр билан ҳамоҳанг қадам ташлашдир. «Янгийўл» рўзномаси бу шарафли вазифани қадамба-қадам уddалашга интилмоқда. Жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мавзуси унинг назариди четда қолгани йўқ.

Мазкур соҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар, ютуқлар, муаммолар ва уни ечиш йўллари, камчиликларни батафсил ёритиб бериш мақсадида газе-

тада «Табиат ва инсон» саҳифаси ташкил этилган эди. Унинг илк сони 1993 йилнинг 7 июлида муштарийлар қўлига теғди. Шундан буён саҳифа ҳар ойда бир марта мунтазам чиқиб турибди.

Муштарийлар янги саҳифани мамнулик билан қарши олдилар. Табиатни асраш борасиди жойларда амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида хат-хабарлар кела бошлади. Саҳифанинг ҳар бир сонини тайёрлашда ишчи-қишлоқ муҳбирларининг хат-хабарларига, аҳолидан тушаётган шикоятларга таяниш билан бирга турли соҳа мутахассислари ҳам кенг жалб қилиняпти. Туман ва шаҳар ҳокимлиги, санитария-эпидемиология станциялари, соғлиқни сақлаш бўлимлари, давлат автомобил назорати билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Жойларда рейдлар уюштирилди.

Саҳифаларнинг бири Ҳалқобод қўрғониди эгасиз қолган тозалаш иншооти муаммоларига бағишланган эди. Ҳозирги кунда бу муаммо ўз ечимини топди.

Кўмитамиз туман санитария-эпидемиология станцияси, «Янгийўл» рўзномаси билан биргаликда А. Ортиқов, Ниёзбоши, Эски Қовунчи, Шўралисой, Навбаҳор, Гулбаҳор каби қишлоқ ва қўрғонлар бўйича атроф-муҳитнинг софлигига оид рейдлар ўтказди. Талайгина камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Озодалик, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, ҳавога захарли газлар тарқалишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик экинларига захарли химикатларни ишлатмаслик, ер ости сувлари захарланишининг олдини олиш ва бошқа кўпгина

мавзулар саҳифалардан доим ўрин олмоқда.

Саҳифаларнинг ранг-баранг, қизиқарли ва таъсирчан чиқишида жамоатчи муҳбирларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Экологлардан У. Саидов, М. Ишченко, М. Нуриддинова, Л. Мулламухамедова, М. Мирхидоятлов, Г. Асеева, И. Герасимова, шифокорлардан М. Рихсибоева, И. Турсунова, М. Бўрибоевалар, шаҳар давлат автомобил назорати катта давлат нозир, милиция капитани Д. Бугибаев, 2503-автожамланма директори А. Ражабов, Улуғбек номли ўрта мактабнинг тарих ва жўрофия ўқитувчиси Г. Алчўразовалар ўзларининг мақола-хабарларида табиат муҳофазасига доир муаммоларни олдинга сурмоқдалар, уларни бартараф этиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билан ўртоқлашмоқдалар.

Муштарийларнинг саҳифага бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Хат-хабар юбуровчилар сони ҳам кўпаймоқда. Чунки, табиатни асраш ҳақида ғамхўрлик қилиш келажимиз ҳақида қайғуриш демакдир. Биз авлодларимизга экологик хасталанган ўлкани эмас, ложувард осмон, кўркам замин, соф ҳаво, тиник сувга эга бўлган дийрни мерос қолдиришимиз керак. Шундай экан, бундан буён ҳам ушбу саҳифа ва табиат муҳофазасига бағишланган материалларни янада мазмунли, сермавзули, қизиқарли чиқариш учун газета тахририяти жамоаси билан ҳамкорликни кучайтирамиз.

В. МАҲМУДОВ.
Янгийўл табиатни муҳофаза қилиш минтақавий кўмитаси раиси.



Улкамизга фасаллар келинчаси — баҳор ҳам кириб келмоқда. Боғ-роғларда унга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Эски мевазор боғларда дарахтларга шакл беришга киришилди. Бу мевадан мўла ҳосил олишнинг муҳим тадбирлариди биридир.
Ф. ҚУРБОНБОВ (ЎЗА)
олган сўрат.

Филни учирган қуюн

ЖАВОБИ ЙЎҚ ЖУМБОҚЛАР

ХАЛҚИМИЗДА «Қизил қор ёққанда» деб юритиладиган ибора бор. У амалга ошмайдиган ишга, бажарилмайдиган вазъага нисбатан ишлатилади. Лекин, табиатда, шундай ва шунга ўхшаш ҳодисалар бўлиб турар экан. Улар ҳақида жуда кўп манбаларда ёзилган. Яқинда «Труд» газетасида шундай ғаройиб ҳодисалар ҳақида мақола чоп этилди.

Бу ҳодиса 1890 йилнинг 15 май куни содир бўлган эди, — дейилади мақолада, — Италия Калабриясидаги Мессинида деган жойда анча вақтгача қизил ёмғир ёғиб турган. Италия об-ҳаво бюроси текшириб, бу қушлар қони эканлигини аниқлаган. Уша вақтда қушлар галасини кучли шамол парчалаб ташлаган, деган фикрга борилган эди. Бироқ об-ҳавочиларнинг маълумотига қараганда, шу куни бундай кучли шамол умуман бўлмаган. Бундан ташқари, ҳалок бўлган паррандаларнинг қолдиқлари топилмаган.

1841 йилнинг 17 август куни Теннесси штатидаги тамаки майдонида ишлаб турган кишилар қонли муҳиш ҳодисанинг гувоҳи бўлишган. Қизил рангдаги ғаройиб булут пайдо бўлиб, ерга ваҳимали ёмғир ёққан. Плантация соҳиби профессор Тростта майдонга келганда, у қандайдир жуда нохуш ҳид таратаётган суюқлик билан қопланганини кўрган. Профессорнинг фикрича, у қон ва ёғнинг мушак тўқималари парчалари билан аралашмаси эди. Бу ҳодиса ҳақида «Америкен Жорнел оф сайенс» журнали хабар берган эди.

«Сайентифик америкен» журнаlining 1976 йилда чиққан март ойи сонидида Кентуккидаги «қонли ёмғир» ҳақида хабар берилган. Кўплаб кишилар уша вақтда булутсиз осмондан «гўшт парчаларининг» тушганини кўрганлар. Худди шунга ўхшаш

яна бир ҳодиса Бразилияда содир бўлганлиги тилга олинади. Бу мамлакатдаги Кокпав ва Сан-Хосе-Кампос деган жойлар оралиғида етти дақиқа давомида осмондан қон томчилари ёғиб турган ва гўшт парчалари тушган.

Бундай ҳодисаларни юзага келтирувчи сабаблар ҳақида гап кетганда, мутахассис олимлар, аввало, қуюнни, гирдобни тилга оладилар. Уларнинг ҳаво варонкаси сув, ахлат ва майда жониворларни кўтариб узоқ масофаларга элта олади. У сўсайган сари «ўғирланган» нарсаларни тушириб боради. Ҳайри табиий ҳодисалар шу йўл билан ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Энди шунга ўхшаш бошқа ғаройиб ҳодисалар ҳақида тўхталамиз. 1973 йилнинг 23 сентябрида Франциянинг жанубидаги Бриньол қишлоқчасига осмондан ўнлаб минг митти курбақалар ёмғирдек ёғилган. 1922 йилнинг 5 сентябрида эса майда курбақалар икки соат давомида Шалонсюр-Саон устига тушиб турган. Тулуза шаҳри яқинида ҳам шундай ҳодиса рўй берган. Англиядаги Эйкл қишлоғи аҳолиси ҳам «Курбақалар ёмғири»нинг гувоҳи бўлган. Бундай майда жониворлар шу қадар кўп тушганки, уларни ҳовлилардан ҳокандоз-ҳокандоз қилиб, чиқариб ташлашган. Осмондан кўплаб балиқлар, илонлар, сичқонлар ҳам ёмғирдек тушгани ҳақида маълумотлар бор.

Газетада шунга ўхшаш бошқа ҳодисалар ҳақида ҳам ёзилади. Чунотчи, Американда чиқадиган «Филадельфия таймс» газетаси Луизианадаги Батон-Ружа шаҳри қушлари юзи бир вақтда ўлик паррандалар билан қопланиб кетганлиги тўғрисида хабар берган. Шуниси ажабланарлики, бу қушлар ҳар хил бўлган, улар орасида ёввойи ўрдақлар, мазахчи, қизилиштон, ка-

Хоҳ ишонинг — хоҳ ишонманг

нарейкалар ва бошқа қушларни учратишган.

Мерленддаги Сент-Мерк шаҳри аҳолиси 1969 йилнинг 26 январиди куйидаги ҳодисанинг гувоҳи бўлишган: ўрдақларнинг катта галаси уйлар устидан учиб кетаётган эди, тўсатдан қушлар галасининг энг зич жойида портлаш рўй берди. Кўринмас куч қушларни ҳар томонга улоқтириб ташлади. Гувоҳларнинг айтишича, паррандаларнинг ерга тушмасданоқ қовурғалари, қанотлари синган, баданларида худди пичоқда тилингандек излар, жароҳатлар бор эди.

1930 йилда Германиядаги Рейн тепаликларига очик осмондан беш киши йиқилиб тушди, уларнинг гавдаси муз билан қопланган эди. Олимлар узоқ вақт давом этган фикрлашдан кейин шундай тўхтамга келдилар: улар ҳалок бўлган планерчилар, уларни шамолнинг юқорида кўтарилиб қолганки планерлари билан осмонга олиб чиқиб кетган. Шундай деб ҳам ҳисоблайлик. Ундай бўлса, планерларнинг қолдиқлари қани? Бу қандай шамол бўлдики, одамлар муз билан қоплангунча, осмонда кўтариб турган?

Куйидаги ҳодиса эса 1956 йилнинг 26 октябрида Сан-Францискода содир бўлган эди. Осмондан кичкина тирик маймун тушди. Шу ҳодиса юзасидан текшириш ўтказган полиция шу куни бирорта ҳам самолётда маймун бўлмаганлигини аниқлади. Япониянинг Сензу — мара соҳилида яна бир ҳайратомуз ҳодисага дуч келинган. У ерда осмондан «эгаси йўқ» ярим тонна вазндаги фил боласи тушган ва чилпарчин бўлган. Бундай катта ҳайвонни ҳеч қандай гирдоб кўтаролмас керак?!

Курраи заминимиз осмонидида шундай ғайритабиий, сирли ҳодисаларнинг содир бўлиши сабабларини аниқлаш жумбоқ бўлиб қоляпти. Тадқиқотчилар уларни ечиш устида тўхтовсиз изланмоқдалар, шундай ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилмоқдалар.

ҲАР ТЎҒРИДА

либ, кўзини очгач, нима қилиш кераклигини билгандай мушук ошхонадан йўлакка борадиган эшикни очди, бемор эса йўлакдаги телефон олди, сўзлашиб борди, 03 га қўнғирок қилди. Кекса одам ўзини анча яхши ҳис қилганидан кейин халоскорини сосиска билан меҳмон қилди.

СЕВГАН МАЙМУНИ — ЎЛИМИ САБАБЧИСИ

Малазияда яшовчи 76 ёшли дехқон Сулаймоннинг қадрдон маймуни бўларди. У кексанинг яхшигина дастари бўлиб қолган эди. Айниқса, кекс ёнғоқларини териб олишда беминнат ёрдам берарди.

Кунларнинг бирида икковлари шундай ёнғоқлар теришга яна бирга чиқибди. Одат буйича маймун пальманинг тепасига чиқиб, ёнғоқларни узиб олиб пастга ташлаверди, кекса Сулаймон эса уларни териб олиб бир жойга тўплаб турди. Маймун ташлаган меваларнинг бири эгасининг қоқ белига тушиб, умуртқасини синдириб юборди. Бу Сулаймоннинг оламдан кўз юмишига олиб келди.

ТИМСОҲЛАР ТАЖОВУЗИ

Замбиянинг Ндола шаҳри яқинидаги қишлоққа тимсоҳлар ҳужум қилди. Сўнгги бир ҳафта мобайнида тажовузор тимсоҳлар 10 кишини чавақлаб ташлаган.

Махаллий газеталарнинг ёзишича, қишлоқлар тимсоҳлар куткусидан қўриқиб, фавқуллода зарур ҳолларда ҳам Луфваньяма дарёси яқинида йўлашга журъат қилолмаётди. Қишлоқ оқсоқоллари қуролланган махсус овчилар юборилиши сўраб ҳукуматга бир неча бор мурожаат қилди. Бироқ ҳозирча уларнинг сўрови жавобсиз қолмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ёгингарчиликнинг кеч бошланиб, дарёларнинг саёзлашуви ҳамда баллиқларнинг камайиши тимсоҳларни қирғоққа чиқиб озуқа излашга мажбур қилган.

Ушбу саҳифа материалларини буюрт табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашди.

Ранг-баранг олам

ҚАЙСИ ХАЛҚ БОЙ

БУТУН ҲАҚОН банкининг Йо-ханнесбургда нашр этиладиган «Ситизан» газетасида босилган маълумотларга қараганда Швейцарияда яшовчилар энг бой ҳисобланишар экан. Бу давлатда 1993 йилда аҳоли жон бошига тақсимлаганда жон буйича энг кўп даромад қилинган. Унинг ўртача миқдори 36410 АҚШ доллариға тенг бўлган.

Бу рўйхатда иккинчи ўринни Люксембург эгаллаб турипти. Бу мамлакатда бу кўрсаткич 35250 АҚШ долларини ташкил этган. Учинчи ўринни эгаллаган Японияда бир йил давомида олинган барча даромад аҳоли жон бошига тақсимлаганда 31450 долларданга тўғри келган.

Шу рўйхатда кейинги ўринларда Дания (26510), Норвегия (26340), Швеция (24830), АҚШ (24750), Исландия (23620), Германия (23900), Кувайт (23350), Австрия (23120), Бирлашган Араб Амирликлари (22470) ва Франция (22360) турипти.

Люксембургликларга харид қилиш қобилияти буйича тенг келадиган халқ йўқ экан. Ман-ман деган Америка фуқаролари ҳам бу жиҳатдан иккинчи ўринда қолиб кетиптилар.

Аҳоли жон бошига даромад ялпи миллий маҳсулотни мамлакатда яшовчилар сонига тақсимлаш орқали аниқланади. Фарбнинг ривожланган мамлакатларида бу кўрсаткич одатда жуда секин кўпаяди. Ийлига, ҳатто, бир фоиздан ҳам камроқ бўлади. Аммо бу кўрсаткич кескин камайиб ҳам кетиши мумкин. Собик СССРнинг мустақил давлатларида бу тамойил яққол кўзга ташланади. Банкнинг ҳисобиға қараганда улар ўз даромадларининг 10 фоизини йўқотдилар. Бу мамлакатлар орасида фақат Эстония 1993 йилда қийинчиликларни нисбатан яхшироқ барта-раф этишга эришди. Унда даромад аҳоли жон бошига тақсимлаганда 3040 доллар бўлди. Ундан кейинги ўринни Беларусия (2840), учинчи ўринни Россия (2350) эгаллади.

Мозамбик эса курраи заминнинг энг қашшоқ мамлакатини бўлиб чиқди. Бу ерда даромад аҳоли жон бошига тақсимланганда бор йўғи 80 долларға етган.


ЯШАШДА ЯШАШ БОР

МАЪЛУМОТЛАРГА қараганда, умр кўришининг ўртача узунлигида японияликларга тенг келади-ган халқ йўқ экан. Бу мамлакатда ҳар бир инсон ўртача 79 йил яшамокда. Канадада бу кўрсаткич бир йил камроқ бўлиб чиққан. Умр кўришининг ўртача узунлиги буйича Гонконг, Исландия, Швеция ва Швейцария ҳам Канада билан баравар туради.

Америкаликлар «факат» 77 йил яшар эканлар. Гвинея-Бисау аҳолиси энг кам умр кўраркан. Бу мамлакатда кишилар ўртача 39 йил умр кўриб, ҳаёт билан ҳайрлашадилар.

Болалар ўлими камлиги жиҳатидан эса Япония энг юқори поғонани эгаллаб турипти. Бу ерда туғилган ҳар минг боланинг беш нафари нобуд бўлади. Афғонистон ва Мозамбикда эса олам юзини кўрган ҳар минг гўдакнинг 162 нафари вафот этмокда.

Бутунжаҳон банки президенти Луис Престолнинг сўзларига қараганда, XX асрнинг иккинчи ярмида умрнинг ўртача узунлиги инсоният тарихи билмаган даражаға етди. Шунга қарамай бу-гун ҳам бир миллиарддан ортиқ одамлар ниҳоятда қашшоқ шароитларда яшамокдалар.



Табиат жайронини қанчалик назокатли қилиб яратган!

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ СУВ ДЕЯ, СУВ ДЕЯ...

ОЛАМДА нима кўп сув кўп, дейишди. Бир томондан бу тўғри. Лекин аслини олганда бу фикрга унча қўшилиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам сув керагидан ҳам ортиқча. Ернинг 71 фоиз майдони сув билан қопланган. Унинг асосий захиралари ҳақон океанида тўпланган. Лекин бу сувларнинг 94 фоизи шўр бўлиб, факатгина икки фоизи чўчүк ҳисобланади. Бу чўчүк сув ҳам асосан муз кўринишидадир.

Сувни ҳаёт манбаи дейишди. Уси дунёда бирор жонзот яшамайди, бирор ўсимлик кўкмайди. Биз буни яхши биламиз. Лекин шунга қарамай ёки ҳаётдан ниҳоятда пала-партиш, ўринсиз фойдаланамиз. Кўп ҳолларда бекорга исроф бўлишига йўл қўямиз. Инсониятнинг сувга нисбатан бундай муносабати шунга олиб келдики, ҳозирги вақтда биз невараларимизга йўлжалланган сувни ҳам истемол қилаямиз. Бу жуда ачинарли ва афсусланарли бўлса, иккинчи томондан инсоният келажғи учун жуда хавфли.

Бунинг устига у шу даражада ифлосланиб кетганки, хомлиғича тановул қилишга мумкин бўлмас даражаға келиб қолди. Шунинг учун ҳам уни қайнатиб ичиш тавсия этилади. Вахоранки, бизда сувни турли зарарли моддалардан тозалаш учун хлор ишлатилади. Хлорнинг бир томони яхши бўлса, иккинчи томони зарарлидир. Уни ишлатиш билан инсонларни юқумли эпидемиялардан сақлаймиз, бироқ ошқозон-ичак касалликларининг кучайишига сабабчи бўламиз. Хлорнинг шундай таъсир қилиш ҳусусияти ҳам бор.

Маълумки, сувнинг формуласи H₂O. Бун-

дай оддий сувдан ташқари яна оғир сув — D₂O ҳам бор. Сувда водород ўрнига оғир водород атомлари бўлади. Олимлар оғир сув барча мавжудотни хароб қилади, деб ҳисоблайдилар.

Сув инсонга етиб келгунча узоқ йўлни босиб ўтади. Тозалаш иншоотларида тозаланади, хлор қўпилади, қайта ишланади ва ҳоказо. Шундай бўлишига қарамай кўпинча у ичиш учун яроқсиз бўлади. Дунёда шундай ахвол таркиб топди. Бунинг асосий сабаби санат ишлаб чиқариши, айниқса, кимё заводларининг кўпайиши, қишлоқ ҳўжалиғида турли хил кимёвий моддаларни кент ишлатиш, уларнинг оқаваларини тозаламасдан сув манбаларига оқизиб юборишдир.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида яхши қонун қабул қилинди. Лекин у суст ишламоқда. Ҳали ҳам кўп ҳолларда сувдан фойдаланишга бефарқлик билан муносабатда бўлаямиз, Унга жинояткорона муносабатда бўлиш бутун бир Орол денгизи буйида яшовчи халқнинг фалокатига сабаб бўлди.

Майли, корхоналар, қорвачилик маҳмулари ва шу каби ишлаб чиқаришларни кўпроқ қураверайлик. Лекин, айна вақтда сувни тозалаш иншоотлари қўрилишини ҳам эсдан чиқармайлик. Уларнинг мавжудлигидан самарали фойдаланишга эришимиз лозим. Бизнинг фикримизча, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари шахсан масъул бўлишлари керак.

П. РАҲМАТОВ.

300 ГА ЕТАР-ЕТМАС ҚОЛДИ

УССУРИЯ йўлбарси жуда ноёб ҳисобланади. Катталиқ ва кучлиликда унга тенг келадиган шундай ҳайвон курраи заминимизнинг бирор мамлакатидида ҳам учрамайди. Айни вақтда терисининг қаҳрабо каби тобланишини айтмайсизми!


Лекин бундай жонивор ҳам инсоннинг ҳўжалик фаолияти оқибатида тез камайиб кетмоқда. Бу россиялик табиатшунос олимларда катта ташвиш туғдирмоқда. Бундай нохуш ҳолнинг содир бўлишига олиб келаётган асосий сабаб эса тайга ўрмонларини ҳўжасизларча кесиб юбориш ва бунинг оқибатида йўлбарсларнинг хуш кўрадиган ўлжаси тўғизларнинг тобора камайиб кетаётганлигидир.

Иигирманчи аср бошларигача бу катта амур мушугини Узоқ Шарқ тайгаларида учратиш оддий ҳодиса ҳисобланарди. 30-йилларга келиб ниҳоятда камайиб кетди, фақат олимларнинг машаққатли саъй-ҳаракатлари туфайлигина қирилишдан сақлаб қолинди. 80-йилларга келиб Узоқ Шарқдаги йўлбарслар сони деярли 450 тага етди. Бироқ ҳозирги вақтда яна сийраклашиб қолди. Уларнинг яшаб турганлари уч юзтага ҳам етар-етмасдир. Агар шу тамойил давом этса табиатнинг бу жонивордан маҳрум бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас, демоқдалар олимлар.

ЭГАСИГА СОДИҚЛИК НАМУНАСИ

УФА шаҳрида истиқомат қилувчи кекса нафақахўр бундан буюнги умри учун ўзи боқиб турган мушугидан миннатдор бўлмоқда. Воқеа шундай содир бўлган эди. 86-баҳорни қаршилаган қария бир ўзи яшарди. У ҳаётига қандайдир фойз киритиш, сўққабошлик каби машаққатдан ҳалос бўлиш учун бир мушук боласини парвариш қила бошлади. Унга Олмаҳон деб ном қўйди.

Яқинда нафақахўрнинг юраги қаттиқ оғриб, ўзини йўқотиб қўйди ва полга ағанаб тушди. Олмаҳон эса эгасининг юзларини зўр бериб зулуқсиз ялайверди. Кекса хушига келмагунча тўхтамади. Эгаси ўзига ке-



ДУШАНБА, 6

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
18.55 Ёшлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуд Юнусов.
21.35 «Ижод завқи ва машаққати». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад билан суҳбат.
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадур Расулulloх». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 7-қисм (Миср Араб Республикаси).
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништирилади:

18.30 Болалар учун. «Кўзминчоқ».
19.00 «Дехон ҳиммати».
19.30 «Экология ва ҳаёт».
20.00 «Само остидаги юлдузлар».
20.40—23.20 «Ҳаётга қайтиш». Бадий фильм. 1-2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва ...»

«ОМАД» таништирилади:

20.25 «Совға».
20.55 «4/8». Мусикий кўрсатув.
21.15 Ёшлар.
21.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»-и).
21.45 Видео — «О».
23.25 Ёшлар.
23.35 «Курьер».
23.55 «... яна об-ҳаво ҳақида».
00.10 — 00.20 «Постфактум».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Лабиринт». «Ҳамкорлик қилиш».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Агар...» Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Спорт уик-энди».
21.55 «Эксклюзив». «Қизил олтин».
22.35 — 23.50 Фигуралар учини. Европа чемпионати. Кўргазмалар чиқишлар. Германиядан кўрсатилади.

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатув.

9.00 «Дарёлар оқиб ўтган ўрмонда». Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатув. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.20 «Абу Исо Термизий». «Ўзбектефильм». Премьера.
11.30 Ўқув кўрсатув. Адабиёт.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлка-ки...»
12.30 — 14.30 «Кичкинтой» студияси. «Болалигим — пошологим».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўғитлари».
18.40 «Ишбилармон».
18.55 Ёшлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 Мусикий дақиқалар.
19.40 Ойбек таваллудининг 90 йиллигига. «Адиб сабоқлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Фан фидойиси». Ўзбекистон Республикаси ФА муҳбири аъзоси Г. А. Пугаченкова таваллудининг 80 йиллигига.



ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

21.30 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова.
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадур Расулulloх». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 8-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништирилади:

18.30 «Мультфейерверк».
19.15 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
19.35 Янгиликлар.
19.40 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим».
20.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
20.25 Видеоид.
20.45 «Теле-ателье-шоу».
20.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.15 — 23.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»-и).

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Орлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.45 «Дўстлик сарҳад билмайди».
22.25 «Бўёқларга кўчган фалсафа».
22.55 — 23.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».
18.00 «Веди».
18.30 «СБ» жумбоғи.
18.40 «Хужжатлар ва тақдирлар».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Йил манбадан».
21.50 — 23.40 Галабанинг 50 йиллигига. «Тирикларни чорлайман». «Бешинчи муҳр». Бадий фильм (Венгрия, 1976 й.).

ЧОРШАНБА, 8

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатув.

9.00 «Ҳали ҳаёт олдинда». Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатув. Зоология.
11.00 «Фармон ва ижро».
11.30 Ўқув кўрсатув. Физика.
12.00 Янги алифбони ўрганамиз.
12.30 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».
13.20 Лирик концерт.
14.00 — 14.20 «Кишлоқ стадионларида».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
18.45 «Шеърӣ дақиқалар». Нормурод Нарзуллаев.
18.55 Ёшлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 «Ўзбекна лутф». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. «Экранда — Наманган вилояти».
21.40 «Сарви гулрӯ келмади...» «Баҳор» ансамблининг Навоий асарлари асосида тайёрлаган янги дастури.
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадур Расулulloх». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 9-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон»

ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништирилади:

18.30 «Ўз ҳақингда гапир...»
19.00 «02» тўлқинида.
19.25 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.10 «Бизнес — банк».
20.25 Концерт заллари бўйлаб.
21.10 Галабанинг 50 йиллиги олдида. «Ёдингдами, дўстим...»
21.25 «Тошкент оқшомида».
22.25 — 00.40 «Соҳил». Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Ёшлик ва замон».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
21.15 — 00.15 «ОМАД» таништирилади: «СПОРТ КИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».
18.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Ф. Шехтель.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Кишлоқ ҳаёти» Ю. Черненко билан.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50—23.35 «Оғриш усули». Бадий фильм (Свердловск киностудияси, 1993 й.).

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатув.

9.00 «Кўркувнинг давоси». Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатув. Табиатшунослик.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
11.30 Ўқитувчилар, Сизлар учун!
12.00 «Биргаликда куйлаймиз».
12.30 «Хуқуқингизни биласизми?»
12.45 — 14.45 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Ўзбек давлатчилиги тарихи».
18.55 Ёшлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 «Анъаналар этади давом». Мусикий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Шеърӣят мулкининг султони». Алишер Навоий таваллудига бағишланган кўрсатув.
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадур Расулulloх». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 10-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништирилади:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозеба».
18.55 «Бир шингил хангома».
19.05 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.20 «Мухаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»-и).

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ислохот ва муаммо».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
21.15 «Орлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.35 — 22.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

18.00 ... 16 ёшгача ва ундан катталар.
18.30 «Инсон ва қонун». Махсус сони.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Ж. Даррелл.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Эслашлари учун...» Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатув.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 — 22.05 «Москва, Кремль».

ЖУМА, 10

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатув.

9.00 «Бузоқ йили». Бадий фильм.
10.20 «Ўлкамизда қиш». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатув. Кимё.
11.00 «Ёшлар билан юзма-юз».
11.40 Ўзбек тилини ўрганамиз.
12.10 Немис тили.
12.30 — 14.30 «Синов даври». Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатув.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Кўнгирокча».
18.40 Бизнес мактаби.
18.55 Ёшлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 «Ислохот ва масъулия».
19.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
21.00 Бевосита мулоқот.
21.40 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли ижросида Навоий ғазаллари билан айтиладиган ашулалар.
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадур Расулulloх». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 11-қисм.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. «Сиёҳдон одам».
«Тошкент» студияси таништирилади:
19.35 «Билиб қўйган яхши».
19.50 «Уммондан томчи».
20.35 Ўзбек тасвирий санъатида Алишер Навоий образи.
21.10 «Тошкентнома».
22.10 — 23.40 Футбол. Европа суперкубоги. «Арсенал» (Англия) — «Милан» (Италия).

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

«ОМАД» таништирилади:
20.45 «Компьютер — Осиё».
21.15 «Қирол репортажи».
22.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»-и).
22.25 «Даракчи».
22.35 Ёшлар.
22.45 — 00.30 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Кўнгил ҳаловатга илҳақ...» А. С. Пушкинга бағишланган кўрсатув.
19.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.50 «Мўжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Ҳафтанинг машҳур киши».

22.00 — 23.05 «Детективлар клуби»да. «Гуруҳ». Телесериал (Франция). 5-серия.

ШАНБА, 11

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатув.

9.00 «Товон тўлов». Бадий фильм.
10.25 «Талаба ва спорт».
10.45 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
11.25 «Халқ ижодиёти». Оилавий ансамбллар телевизион фестивали.
12.05 Каратэ бўйича республика турнири.
12.45 Ўсмирлар учун. «Ўлғайиш поғоналари».
13.15 — 15.15 «Тимсол» видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан қуйлаб, ўйна қунаб...»
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Ёшлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ёшлар.
19.25 Лирик тароналар.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Ёшлар.
21.00 «Таниш чехралар». Кинокўрсатув.
21.50 «Дебют». Рошель Рубинов ва Уктам Аҳмедов ижросида мумтоз ашулалар.
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадур Расулulloх». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 12-қисм.
23.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништирилади:

9.00 «Мультфейерверк».
9.45 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
10.05 Янгиликлар.
10.10 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим».
10.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
10.55 Видеоид.
11.15 «Теле-ателье-шоу».
11.25 Янгиликлар.
11.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»-и).
14.10 «Омад» тақвими.
14.15 «Жозеба».
14.25 «Бир шингил хангома».
14.35 «Ишингиз бароридан келсин!»
14.50 «Мухаббатга ошно қалблар».
15.10 «Теле-ателье-шоу».
15.20 Видео янгиликлари.
15.45 Янгиликлар.
15.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
16.35 «Кинонигоҳ».
17.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»-и).
18.15 Телефильм.

«Тошкент» студияси таништирилади:

18.30 Болалар учун. «Табасум».
19.10 «Акс-садо». Рустам Саъдуллаев.
19.40 — 22.35 «Спорт — тайм» видеоканал:
— Соккер-клуб.
— «Лидер».
— «Арт-спорт».
— «Юниор».
— «Кинематограф».

ЎзТВ III

10.00 «Кафолат».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.30 «Жонли сайёра».
10.50 Хитой санъат усталарининг концерти.
11.30 — 12.20 «Олтин атиргул фори». Кўп серияли телевизион бадий фильм (Италия). 1-серия (рус тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мульткарусель».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.55 «Жаҳон бир ҳафта ичида».

20.20 «Ўзбекистон ҳамкорлик йўлида».
21.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.20 «Умид» (уйғур тилида).
21.55 «Бу ажиб дунё».
22.15 — 23.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО»

ТЕЛЕКАНАЛИ

17.35 «Ҳайвонот оламида». Ҳайвонот боғларининг ҳаёти (АҚШ).
18.15 «Театр+ТВ». Лия Ахеджакова ва унинг қаҳрамонлари...
19.00 «Улкан сайёра».
19.50 «Бешинчи бурчак». Телесериал (АҚШ, «Коламбия пикчерс»). 1-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 — 23.15 «Каин ва Абель». Телесериал (АҚШ, «Коламбия пикчерс»). 1-серия.

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатув.

9.00 «Қувноқ стартлар».
9.45 «Шодлик тароналари». Фильм-концерт.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Хужжатли экран».
11.10 «Алдагани хотин яхши». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.40 — 14.40 «Санъат сеҳри». Мусикий видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильмлар.
18.25 «Санъат гунчалари».
18.55 Ёшлар.
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 Ёшлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...»
19.55 «Тасвир». Кинокўрсатув.
20.25 Ёшлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Ёшлар.
21.05 «Танбур». Телефильм.
21.25 «Олтин қанот кушлар учсин». Ҳаво йўллари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
22.30 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадур Расулulloх». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 13-қисм.
23.10 — 23.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусикий кўрсатув.
17.45 Жаҳон географияси.
18.35 Панорама.
19.05 Ёшлар.
19.10 Видео — «О».
20.50 Ёшлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «... яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 «Постфактум».
21.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»-и).
21.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ёшлар.
22.35 «Даракчи».
22.45 Ёшлар.
22.55 — 00.35 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Ҳафтанома» ва тақлифлар.
10.30 «Ўзбекистон ва абадиёт ҳақида».
11.00 Олтин атиргул фори. Кўп серияли телевизион бадий фильм. 2-серия (рус тилида).
11.50 — 12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
20.10 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Интердиалог».
22.30 «Подийум».
22.55 — 23.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО»

ТЕЛЕКАНАЛИ

◆ Муштариёлар фикр билдирадilar ◆ «Онасининг қизи» ◆ «02» тўлқинида ◆

Акс-садо

КАЛБИНГИЗ ГЎЗАЛ БЎЛСИН

МЕН ЁШЛИГИМДАН журналистика касбига қизиқиб, уни севиб ўрганаман. Шу тўғрисида матбуотларда чиқадиган ҳар хил газета ва журналларда бериладиган одоб-ахлоқ, қизларимизнинг ҳули, ёшларга маслаҳатлар мавзусидаги мақола ва очеркларни қизиқиш билан ўқиб бораман.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1994 йил 21 декабрдаги сониди босилган «Ёшлиқнинг ўзи гўзал» мақоласини ўқиб чиқдим. Бунда муаллима Маҳмуда Валиеванинг билдирган фикрлари, ўқувчиларига берган йўл-йўриқ, маслаҳатлари жуда ўринли бўлган. Ҳақиқатан ҳам замонамиз қизларининг гўзаллиги, ташқи кўринишида эмас, албатта уларнинг қалблари гўзал бўлишлари керак. Қизларимиз ўз табиати сиру-асрорлари билан оналарига жуда яқин бўлишади. Она ва қиз ўртасида бир-биридан тортиниш, сир тутиш деган нарсаси бўлмаслиги керак. Кўпинча қизларимиз ўзларида юз бераётган жараённи сир тутиб кўпгина хатоликларга йўл қўйишади. Ҳар бир йигит-қиз вояга етаркан, ўз орзу-ниятлари бўлиб, бирон-бир касб эгаллаб она диёрга хизмат қилишни истайдилар. Кўпчилиги бу орзуларига етадилар ҳам. Афсус қизларимиз мана шу талабалик йилларида кўп хатоликларга йўл қўйишади. Қиз болага теккан доғ, оқ матога теккан доғ каби бир умр из бўлиб қолади. Қизларимизнинг ота-онаси не-не мақсадлар билан ўқитади, яхши жойларга узатишни ният қилади. Лекин қизлар қизирги манфаатини ўйлаб, кийим-кечакка, ўйин-қўлгига қизиқиб, келажак ҳаётини ўйламай ота-онасини изтиробда қолдирадилар.

Мен қизларга шунини айтгим келадикки, мустақкам иродали бўлинглар, оила қуришда чуқур ўйлангизлар, қиз бола деган номга доғ туширмангизлар. Келажакда фарзандларингиз сизни деб бир умр қийналиб юришмасин.

Ш. ИБРАГИМОВА.

«ПУЛИНГИЗ ШУНАҚА КЎПМИ?»

ГАЗЕТАНИНГ 1994 йил 9 ноябрь сониди шу сарлавҳа остида босилган мақолани ўқиб, қўлимга қалам олдим. Унда кўтарилган мавзу чиндан ҳам жиддий. Бу ҳолга юзаки баҳо бериш инсофдан эмас.

Мақола муаллифи таъкидлаганидек, ҳалқимиз битта тўй ҳаракатини камида 5-6 йил аввалдан ҳозирлашга киришади. Афсуски, бир-икита пулдорлар ўзларини кўрсатиб қўйиш мақсадида тўй фойзини бузишади. Социалётган бу даста-даста пуллар пешона тери эвазига топилаётганми? Ахир ким нимани хор қилса, бир кун ўша нарсасига зор бўлиши азалдан аёнку!

Қисқача қилиб айтганда, кўпчилик қатори мен ҳам муаллиф Мунаввара Исақованинг гапларига тўла қўшилиман. Ҳар бир инсон масалага жиддий виждонан ёндашмоғи лозим. Бу нарсаси бир томондан биз қарияларга ҳам боғлиқ деб ўйлайман. Агар бундай ҳолларга маҳаллалардаги тўйларимизда йўл қўйдирмасак, секин-асталик билан бундай иллатлар йўқолади.

А. ТОПИПОВ,
меҳнат фахрийси.



Кийдиради она қизига
Ўзи тиккан байрам либосин,
Бол томади ҳар бир сўздан,
Дилбандига ортиб ҳавасин.
Қизалоқнинг кўзларида нур
Янги кўйлак бахш этди чирой
Она бундан олади ҳузур
Икки қалбдан қувонч олди жой.

Р. АЛБЕКОВ сўрат павҳаси.

ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ...

ПАРКЕНТ. Туман ҳокимлиги қошидаги «Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш» комиссияси фаолияти самарали бўлмоқда. Бу ҳақда ёшлар Иттифоқи Паркент туман кўмитаси котиби Н. Даматов диққатга сазовор мисолларни айтиб берди. Ёшлар ва ўсмирлар томонидан содир этиладиган жиноятчилик ўсган ҳудудларда: Паркент шаҳар, Қорақалпоқ, Ҳисарак ва Заркент қишлоқларида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари назорати қўйирилган. Клубларда, мактабларда, дам олиш оромгоҳларида ҳамда маҳаллаларда ўсмирлар билан, ота-оналар билан учрашувлар ўтказилиб жиноятчилик ва унинг оқибатлари хусусида суҳбатлар, маърузалар ташкил этилди.

Бу тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Туманда 1994 йилда ўсмир ва ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 50 фоизи камайишига эришилди.

УСТОЗ ХОТИРАСИ

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида истеъдодли актёр ва педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Нина Ивановна Тимофеева туғилган кунининг 85 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлди. Ўзи актёр бўлиб ишлаган ёш томошабинлар театрида ҳам, мураббийлик қилган санъат институтида ҳам у сафдошлари ва шогирдларига саҳийлик билан актёрлик ва режиссёрлик санъати сирларини ўргатган эди.

Устознинг шогирдлари — Ўзбекистон халқ артистлари Шухрат Аббосов, Гулчехра Жамилова, республикада хизмат кўрсатган артистлар Ҳожиакбар Нурматов, Эркин Комилов ва бошқалар устознинг ана шу фазилатлари ҳақида гапирдилар.

Кеча сўнгиди санъат институти ва Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси талабалари катта концерт қўйиб беришди.

(УЗА).

ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

ЮКОРИЧИРЧИК тумани турли мусобақалар, кўриқлар бўйича омадилардан ҳисобланади. Бу ҳудудда чим устида хоккей, футбол, таэквандо бўйича ажойиб спортчилар етишиб чиққанидан, «Жемчужина» бадиий дастаси санъати ҳамдўстлик мамлакатлари совринини қозонганидан хабардорсиз.

Туман ахлига «Совға» лотереясида ҳам омад кулиб боқди. Хусусан, бу ерда истиқомат қилувчи Абдуқодир Жўраев, Жарикбой Жумабоевлар ҳар бири 24.750 сўмлик видео-жувтлуги, Ниёзбиби Алимқолова, Неъмат Жалолов, Куздебай Мусолимов, Собиржон Ортиқбоевлар эса 5000 сўмлик юмшоқ мебеллар, Абубакир Аюпов, Солибой Жўрабоев, Абдурашид Мадиев, Раҳимжон Юсупов ва Хасан Ғозиевлар 2610 сўмлик мебеллар ютиб олишди.

Ш.ОБИДОВА.

1122 ХОНАДОНГА - «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

КЕЙИНГИ икки йил ичида ЮКОРИЧИРЧИК тумани ҳокимлиги, тумандаги ҳўжаликлар бошқарувлари Президентимиз фармонларини амалга ошира бориб аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борасида анчагина ишларни амалга оширди. Биргина ўтган йилнинг ўзида туманда 40,7 километр масофага табиий газ тармоқлари тортилди.

Яқинда эса Дархон, Оқтепа, Кавардон, Тоштуғизоқ, Саксонота ва Тўқимбой қишлоғи аҳолиси ҳудудларига ҳам газ тармоқлари етиб келди.

И.ХОПТУРСУНОВ.

ПАСПОРТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ҳамма жойларда бўлгани каби Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимида ҳам янги паспортлар тантанали вазиятда топширилмоқда. Кўни кеча бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда юқори синф ўқувчиларига янги паспортлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Йиғилганларга шаҳар ҳокими муовини Олимхон Маҳмудхонов «Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти»ни топширар экан, уларни чин дилдан қутлади. Кекса отахону онахонлар ўз миллий ҳўжжатиимизни қўлларига олиш насиб этганидан шўкроналар билдиришди.

Ҳар қандай давлат ўз манфаатлари ва ўз фуқароларининг манфаатларини ҳимоя этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун кўпгина мамлакатларда, жосуслик, давлат хавфсизлигига қарши жиноят, қотиллик, террорчилик ва у билан боғлиқ ишлар учун шундай жазо берилади.

Александр Лавриннинг «Харон хроникаси. Ўлим қомуси» китобида жабрланувчи у ё бу жамиятда қандай жиноятлари учун ўлимга ҳўкм этилиши санаб ўтилган: аёлларнинг эрига ҳиёнати (Эрон, КХДР, Мавритания, Бирлашган Араб Амириклар, Саудия Арабис-

ЭНГ ОЛИЙ ЖАЗО

УНГА ҚАЕРДА НИМА УЧУН ҲЎКМ ҚИЛАДИЛАР?

тони, Судан), расмий ҳўжжатларни сохталаштириш (Ироқ), фоҳишабозлик (Эрон), ярамас ҳаёт кечириш (Эрон), Худого шак келтириш (Эрон), ичкиликни мунтазам исътемом қилиш (Эрон), баччавозлик (Эрон, Мавритания) бешарм нарсаларни босиб чиқариш ёки кўрсатиш (Хитой), қўшмачилик, фоҳишахоналар очиб қўйиш (Хитой), давлат мулкани ўғирлаш (Сомали), ўт қўйиш (Марокаш ва Фарбий Сахрон Кабир), қалбаки пул тайёр-

лаш (Албания), хилват бозорда савдо қилиш (Мозамбик), ҳаво ёки сувни ифлослантириб ёмон оқибатлар келтириб чиқариш (Яман Республикаси), Мухаммад пайғамбар номини ҳақоратлаш (Покистон), аёлларни ёки болаларни ўғирлаш ёхуд сотиш (Хитой), сеҳр-жоду қилиб ўлдириб қўйиш (Руанда).

Демак, энг олий жазога турли жойда турлича жиноят муносиб кўрилар экан.

Жамоатчи мухбирларимиз ёзадилар

ИШЛАРИ НАМУНАЛИ

ЎРТАЧИРЧИК. Ким Пен Ха номли халқ корпорациясида туман хотин-қизларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда тумандаги корхоналар, ташкилотлар, жамоа ҳўжаликлари ва маҳаллалар хотин-қизлар кенгашлари раислари ва фаоллари иштирок этдилар. Қатнашчилар бу ерда аёллар учун яратилган қўлайликлар, берилган имтиёзлар, ташкил этилаётган иш жойлари билан танишдилар. Айниқса бу ердаги оналар ва болаларни ҳимоя қилиш, энг яхши урф-одатларимизда ва меросларимизни тиклаш, тўйларни замонамизга мос тарзда ихчам ва мазмунли ўтказилиши каби ишлар семинар қатнашчиларига айниқса маъқул бўлди. Шу кўни корпорация хотин-қизлар кенгашининг «Наврўз» умумхалқ байрамини ўтказиш тўғрисидаги тадбирлари ҳам тасдиқланди. Корпорация хотин-қизлар раиси Қурбаноў Отақованинг иш тажрибалари оммалаштиришга лойиқ деб топилди.

Шунингдек йиғилишда таниқли шоира Нилуфарнинг «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Дардларимиз бир, жигарбандларим» мақоласи муҳокама қилиниб, қатнашчилар ушбу мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

М. БОЗОРАПБЕВ.

● Вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази хабарларидан

АГАР НОМАРД БЎЛМАСА...

ЯНГИЙЎЛ туманининг Эскиқовунчи қишлоғи йўлида бахтсиз ҳодиса рўй берди. Икки нафар ёш болани машина уриб кетибди...

Воқеа содир бўлган ерга етиб келган давлат автомобил назоратчи ходимлари ва ҳамқўшалоқлар ёқа ушладилар. Болаларни уриб кетган машинага ҳайдовчисидадан ном-нишон йўқ эди. Бу орада 13 яшар А.А. ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Бировнинг фожиаси бировни кўяримиди?! Тезкор кидирув гуруҳининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида «қочоқ» ҳайдовчи Қ. Фахруддинов қўлга тушди. Устига-устак унинг машина бошқариш учун

гувоҳномаси ҳам йўқ экан. У номард бўлмаса, қочиб қолармиди?! Вақтида ёрдам кўрсатилганда норасида болакай тирик қолиши ҳам мумкин эди.

ҚУРОЛФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

ЧИРЧИК шаҳар ички ишлар бўлими хизматчилари миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан биргаликда «антика» фуқарони қўлга туширдилар. Горлов деган кимса ўз гаражидида Қалашников автомати ва пулемёт ўқларини сотаётган пайтда тузоққа илинди. Айни кўнларда терговчилар воқеа тафсилотини аниқламоқдалар. Қуролфуруш Горлов эса тез орада ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беради.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
TOSKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир:
Фатхиддин
МУҲИДДИНОВ

Маъмурий:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва олмавий
ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 32-57-27.

● Мақолалар, эълон ва билдирувларнинг факт ҳамда далилларнинг тўғриллиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.